

# **Маънавият секторини ташкил этиш бўйича семинар ўтказилди**



Хабарингиз бор, Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифида республикада биринчи марта “Маънавият сектори”ни ташкил этиш бўйича “Сурхондарё тажрибаси”ни яратиш вазифаси белгилаб берилган эди.

Мазкур топширикқа асосан, тумандаги 12-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳамда З-сонли умумтаълим мактабларида Маънавият секторини ташкил этиш ҳамда сектор фаолиятини намунали йўлга қўйиш масалалари юзасидан ўқув семинари ташкил этилди.

Шунингдек, ўқув семинарда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти ректори, профессор Абдуғаффор Жўраев Маънавият секторининг асосий вазифалари, маънавият омилининг жамият ҳаётидаги ўрнига тўхталиб ўтди.